

# **Навбатдаги “Сиёсий-маърифат соати” бўлиб ўтди**



Термиз туман ҳокимлиги мажлислар залида бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб мавзулари ҳақида маълумот бериб борувчи “Сиёсий-маърифат соати” бўлиб ўтди. Унда Термиз туман ҳокими Шухратжон Уринов, туман ҳокимининг соҳалар бўйича ўринбосарлари, тумандаги корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда туман ҳокимлиги аппарат ходимлари иштирок этди.

Ушбу “Сиёсий-маърифат соати” аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессиясига йўллаган видеомурожаати тингланди.

Шундан сўнг, бугунги “Сиёсий-маърифат соати” учун мўлжалланган мавзулар бўйича модераторлар томонидан маъruzalар қилинди.

Ушбу сиёсий-маърифат соати Президент хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг [ilm.argos.uz](http://ilm.argos.uz) платформаси ҳамда [You Tube](https://www.youtube.com) орқали кузатиб борилди.